

1.5255292 - СОН
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор ва конун ҳужжатларига күра, юридик шахсни ташкил эттесден фаолият юритувчи фуқаролик-хукуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари) учун

11.01.2022 йил

Нурберисем ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “УзМобайл” филиали директори С.С. Фахрутдинов, бундан бўён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва Тош.вил.хок.Молия бош бошкармаси номидан Устав (Низом, рўйхатта олингандик тўгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Тош.вил.хок.Молия бош бошкармаси, бундан бўён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўгрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) куйидагилар ҳакида туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўгрисида абонент шартномасини тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатиши тўгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул қилиши (акцептни) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишида умумэтироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик хисоб 100 (юз) фойз микдорида олдиндан тўланади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллӣ валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишида Абонент тўлови 100 (юз) фойз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган ҳолда) (4000 000) сўмни ташкил этиади.
Ушбу сумма (4000 000) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент кейинги хисоб-китоб даври (хисобот ойи) бошлангунга кадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фойз шарти билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий хисоб ракамларига пул маблагларни кўрсатилган хизматлар хисобига олган ҳолда, танланган хажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтиши ўйли билан амалга оширилади.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиши учун етарли маблаг бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга ошираслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдинни олишини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувоғиқ Хизмат учун асосида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва Хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувоғиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчиликига мувоғиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувоғиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чилилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларни бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (ентиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўши билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чилилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишида хабардор қилинади.

7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувоғиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга кадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиши муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга табиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттира ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга кадар амал қиласди.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:

"Узбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор
тумани, Бунёдкор шоҳ кучаси, 8 уй
СТИР: 203366731
МФО: 00401
ИФУТ: 61100

X/р: 
АТБ "Алокабонк"
Тел.: 998367550 998367767
e-mail: corporate@uzmobail.uz

М. Ў.

Абонент:

Мижоз: Тош.вил.хок.Молия бош бошкармаси
Манзил: 00000, Узбекистан, UZBEKISTAN Tashkent Region --
Тошкент йули 90
Банковские реквизиты: 23402000300100001010
МФО: 00014, Г.ТАШКЕНТ,РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ
ИНН:201122919
ИНН: 200837645


Tel.: 
Fax: 
M. Ў.

Юрист



1. Каримов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

№ 004060

"O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: Ochiq aksiyadorlik jam'iyyati

THSHT (ОПФ)

1150

Aksiyadorlik kompaniyasi

MSHT (ФС)

144

Mulkchilik shakli: Aksiyadorlar

MHBT (COATO)

1726266

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY

KTUT (ОКПО)

17820078

Yuridik shaxs kodи:

XXTUT (ОКОНХ)

52300

Asosiy faoliyat turi:

Elektr va radio aloqasi

STIR (ИНН)

203366731

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar:

AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI

1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i:

S.M.Tairshikov

DONUN TUMONDAN
TA QID QILINADI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI



МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

LITSENZIYA
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005717

Litsenziya turi _____
Вид лицензии _____

Berilgan sana _____ 03 ноября 2015 г.
Дата выдачи _____

Litsenziyaning amal qilish muddati: 03.11.2015г. dan 03.11.2030г. gacha
Срок действия лицензии: с по

Litsenziatning nomi: Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»
Наименование Лицензиата:

г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001
Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей
подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILLOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ



Litsenziyaning amal qilish muddati: _____ dan _____ gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O. Rahbarning imzosi:
M.П. Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati: _____ dan _____ gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O. Rahbarning imzosi:
M.П. Подпись руководителя: